

Хайдаров Мирёқуб Таджиевич,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти, и.ф.н.

Муминов Нозим Гаффарович,

ALFRAGANUS UNIVERSITY профессори, и.ф.н.

ЗАМОНАВИЙ ВОҚЕЛИК ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ДАРОМАДИ ФУНКЦИЯЛАРИ

УДК: 334.786**DOI: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_11_1**

ХАЙДАРОВ М.Т., МУМИНОВ Н.Г. ЗАМОНАВИЙ ВОҚЕЛИК ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ДАРОМАДИ ФУНКЦИЯЛАРИ

Мақолада тадбиркорлик даромадининг моҳияти унга хос бўлган функциялар ёритиб берилган. Тадбиркорлик даромади жамиятнинг ажралмас элементи ҳисобланниши таъкидланган. Тадбиркорлик даромадининг асосий белгилари таҳлил этилган. Тадбиркорлик даромадини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик даромади, тадбиркорлик даромади функциялари, инновацион функция, ташкилий-ҳуқуқий шакллар.

ХАЙДАРОВ М.Т., МУМИНОВ Н.Г. ФУНКЦИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ДОХОДА В УСЛОВИЯХ СОВРЕМЕННОЙ ДЕЙСТВИТЕЛЬНОСТИ

В статье освещены сущность и функции предпринимательского дохода. Утверждается, что предпринимательский доход неотъемлемый элемент общества. Проанализированы основные особенности предпринимательского дохода. Рассмотрены организационно-правовые формы получения и распределения предпринимательского дохода.

Ключевые слова: предпринимательский доход, функции предпринимательского дохода, инновационная функция, организационно-правовые формы.

KHAIDAROV M.T., MUMINOV N.G. FUNCTIONS OF ENTREPRENEURIAL INCOME IN CONDITIONS OF MODERN REALITY

The article highlights the essence and functions of entrepreneurial income. It is argued that entrepreneurial income is an integral element of society. The main features of entrepreneurial income are analyzed. The organizational and legal forms of obtaining and distributing entrepreneurial income are considered.

Key words: entrepreneurial income, entrepreneurial income functions, innovation function, organizational and legal forms.

Кириш.

Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ҳар бир ишлаб чиқариш омили омиллар бўйича тақсимот назариясига биноан ўз мукофотларини олишади – меҳнат – иш ҳақи, капитал – фоиз, ер – рента, тадбиркор – фойда. Назария бўйича даромадни шаклланиши ва тақсимотининг ўта шаффоф тизими шакллангандай бўлади, аммо тадбиркорлик даромадини амалий жиҳатдан таърифлашда муаммолар мавжуд¹. Биринчидан, тадбиркор мустақил равишда фойдага эгалик қила ололмайди, у маблағни ўз меҳнати эвазига ҳақ сифатида корхонадан тўғридан-тўғри ўзлаштира ололмайди, шу билан бирга тадбиркорнинг иш ҳақи расман бошқа ишчиларнинг иш ҳақидан бир неча баробар кўп булади. Иккинчидан, фойда турларининг кўп эканлиги уларнинг айнан қайси бирлари тадбиркорлик даромади эканлиги аниқлаштириш мураккаб жараёндир. Учинчидан, тадбиркорлик даромади даражасини баҳолаш муаммоси вужудга келади, яъни даромадни тақсимланишида тенглилик тамойилига амал қилиниши, бир омилни иккинчи омил томонидан эксплуатация қилинмаслиги. Тадбиркорлик даромадини иқтисодий категория сифатида талқин қилинишида кўп муаммоларнинг мавжудлиги ушбу тадқиқотни мақсадини белгилаб берди. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий вазифаси тадбиркорлик даромади ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни бошқариш орқали максимал натижага эришишдир².

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлашуви, кичик бизнесни мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ортиб бориши ушбу соҳани кенг қамровда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Соҳадаги муаммоларни турли нуқтаи назардан тадқиқ этган олимлар талайгина. Масалан, тадбиркорликнинг моҳияти нимадан иборат-

¹ Комарова Оксана Викторовна. Проблемы определения сущности «Предпринимательского дохода» как экономической категории // Universum: экономика и юриспруденция. 2015. №7 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-opredeleniya-suschnosti-predprinimatelskogo-dohoda-kak-ekonomicheskoy-kategorii> (дата обращения: 29.12.2022).

² Мельников О.Н., Абрамов Е.Г. Предпринимательский доход как функция формирования и использования нематериальных активов организации // Вестник БГТУ имени В.Г. Шухова. 2007. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/predprinimatelskiy-dohod-kak-funktsiya-formirovaniya-i-ispolzovaniya-nematerialnyh-aktivov-organizatsii> (дата обращения: 29.12.2022).

лигини, унинг иқтисодий моҳиятини ва ҳозирги замон ривожланиш хусусиятларини Половинкин П., Лезина М.³, van Praag C.M., Versloot P.H.⁴, Сатыбалдин А.А., Кангалакова Д.М.⁵ тадқиқотларида кузатиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг замонавий хусусиятларини Абулқосимов Х.П. ва бошқалар томонидан тайёрланган халқаро монографияда⁶, ҳамда Қосимова Д.С., Адашев А.Ү.⁷ларнинг изланишларида тадқиқ этилгандир.

Тадбиркорлик даромади, унинг моҳияти, шаклланишининг хусусиятлари, тадбиркорлик даромадларининг тенгизлизлиги масалалари Мельников О.Н., Абрамов Е.Г.⁸, Рудакова О.В.⁹, Комарова О.В.¹⁰,

³ Половинкин П., Лезина М. Предпринимательство как стратегический ресурс: экономическая сущность, процессы хозяйствования. МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2012;3(3(11)):96-101.

⁴ van Praag, C.M., Versloot, P.H. What is the value of entrepreneurship? A review of recent research. Small Bus Econ 29, 351–382 (2007). <https://doi.org/10.1007/s11187-007-9074-x>

⁵ Сатыбалдин А.А., Кангалакова Д.М. Влияние пандемии COVID19 на развитие малого и среднего бизнеса в Казахстане // Экономика и финансы (Узбекистан), №11, 2021, С.25-30.

⁶ Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: Абулқосимов Х.П., Бегжанов Э.О., Богоизова И.В., Бондарева Я.Ю., Вдовиченко Л.Ю., Владыка М.В., Волосюк М.В., Гумилевский А.Б., Ефимова А.В., Жанназарова Г.К., Ильина Т.Г., Каз Е.М., Каз М.С., Кашпур В.В., Климова Т.Б., Куклина Т.В., Кулик А.М., Монакова Е.А., Маковеева В.В., Макушина А.Ю. и др.– Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.

⁷ Қосимова Д.С., Адашев А.Ү. Кичик бизнес субъектларини бошқариш тамойиллари ва уларнинг бошқарувдаги аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан), №3, 2022, С.3-7.

⁸ Мельников О.Н., Абрамов Е.Г. Предпринимательский доход как функция формирования и использования нематериальных активов организации // Вестник БГТУ имени В.Г. Шухова. 2007. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/predprinimatelskiy-dohod-kak-funktsiya-formirovaniya-i-ispolzovaniya-nematerialnyh-aktivov-organizatsii> (дата обращения: 29.12.2022).

⁹ Рудакова, О. В. Предприниматели: критерии принадлежности и механизм формирования доходов / О. В. Рудакова, Н. Г. Федорчук // Вестник ОрелГИЭТ. – 2011. – № 2(16). – С. 115-121. – EDN OJTZFR.

¹⁰ Комарова Оксана Викторовна. Проблемы определения сущности «Предпринимательского дохода» как экономической категории // Universum: экономика и юриспруденция. 2015. №7 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-opredeleniya-suschnosti-predprinimatelskogo-dohoda-kak-ekonomicheskoy-kategorii> (дата обращения: 29.12.2022).

Абрамов Е.Г.¹, Antonio Lecuna², Block, J.³ларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Келтирилган тадқиқотлар моҳиятини инкор қилмаган, балки улар натижаларига сүянган ҳолда, тадбиркорлик даромадининг функциялари, белгилари ва турларини аниқлашириш, тадбиркорлик даромадини иқтисодий категория сифатида эътироф этиш, бу борадаги назарий ва методологияк муаммолардандир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, илмий ва умумий таҳлил, қиёслаш, ўзаро солиштирма таҳлил усулларидан кенг фойдаланилди.

Асосий таҳлил ва натижалар

Тадбиркорликни мавжудлиги ва келажакдаги ривожланиши ва тадбиркорлик даромади ўсиши аҳамиятини қайд этиб ўтиш зарур. Тадбиркорлик даромадини ривожланиши ва мустаҳкамланиши, ва иқтисодий ўсиш, у билан боғлиқ даромад, мамлакат иқтисодиётини ривожининг воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик даромадининг моҳияти унга хос бўлган функциялар билан қўшилганда тўлиқроқ намоён бўлади. Бу функцияларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Товар (хизмат)ларни ишлаб чиқаришда, уларни аниқ истеъмолчига етказища амалга ошуви умумиқтисодий функция. Тадбиркорлик даромадини олишга йўналтирилган тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ўшишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

2. Тадбиркорлик даромадининг иккинчи функцияси тадбиркорларнинг новаторлика йўналтирилган ижодий қобилиягини мобилизациялаш билан боғлиқдир. Тадбиркорлик қобилияти новаторликни, ишлаб чиқариш омиллари (ер, капитал ва меҳнат)ни ноанъанвий қўшилишини тақозо қиласи, - бу ҳам ўз навбатида тадбиркорлик даромадини олишга қаратилгандир. Унинг аҳамияти замонавий

илмий-техника прогресси шароитида янада ошади. Инновациялар билан боғлиқ функцияниң кучайиб бориши натижасида янги иқтисодий муҳит ёки тадбиркорлик даромадини сарфлаш соҳаси пайдо бўлади. Илмий-техник ишланмалар, ёки техника ва технология янгиликларни амалиётга жорий этиш билан шуғуланаётган венчур тадбиркорлиги бозори кенгайиб бормоқда. Тадбиркорликнинг ахборот инфратузилмаси ривожланмоқда, керакли ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи кенгайиб бормоқда, патент-лицензия хизмати, банк ахбороти маълумотлари тармоғи мустаҳкамланиб бормоқда. Тадбиркорлик даромади, бир томондан, юқори инновацион технологияларни келажакдаги ривожланишига хизмат қилса, иккинчи томондан, унинг ўзи янгиликларни амалиётга жорий этиш маҳсул ҳисобланади.

Инновация функцияси тадбиркорлик учун энг катта аҳамиятга эга. Бу функция фақатгина тадбиркорлик даромадини олиш жараёнида янги ғоялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмай, балки у қўйилган мақсадларга эришиш учун янги воситалар ва омилларни ишлаб чиқиш билан ҳам боғлиқдир.

Ушбу функция қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- янги, истеъмолчига маълум бўлмаган неъматни тайёрлаш ёки у ё бу неъматнинг янги сифатини яратиш;
- янги, бу тармоқда ҳали номаълум бўлган ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш;
- янги бозорни ўзлаштириш, яъни аввал ушбу маҳсулот бу бозорда сотилмаган бўлиши керак;
- хом ашё ёки яримфабрикатларнинг янги манбасини топиш, бу манба аввал мавжуд бўлганми, агар бўлган бўлиб унга эришиш имкони бўлмаганми ёки у энди яратиладими – бунинг аҳамияти йўқ;
- бозордаги ҳолатнинг ўзгариши, хусусан, монопол ҳолатни вужудга келтириш ёки рақобатчилар монополиясига путур етказиш.

3. Ресурс функцияси, такрор ишлаб чиқариладиган, ҳамда чекланган ресурсларни самарали, рационал ва тежаб сарфланишини назарда тутади. Ҳар қандай хўжалик фаолияти учун ишлаб чиқариш омилларини тўлиқ сафарбар қиласи тадбиркорлик даромади зарурдир. Уларга, биринчи навбатда, табиий ресурс-

¹ Абрамов Е.Г. Предпринимательский доход как функция экономически обоснованного процесса формирования и использования нематериальных активов организаций // Российское предпринимательство. – 2006. – Том 7. – № 1. – С. 13-17.

² Antonio Lecuna (2019): Income inequality and entrepreneurship, Economic Research-Ekonomska Istraživanja, DOI: 10.1080/1331677X.2019.1663545

³ Block, J. Corporate income taxes and entrepreneurship. IZA World of Labor 2021: 257 doi: 10.15185/izawol.257.v2

лар (ер, қазилма бойликлар ва сув) киради. Ундан ташқари инвестицион ресурслар (машиналар, ускуналар, инструментлар, транспорт, товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчига етказиб берувчи бошқа воситалар) муҳимдир. Алоҳида ресурс тури – бу инсон ресурслари дидир. У ишчи кучининг сифат ва сон таркиби, унинг малакаси, мутахассислиги, бандлик даражаси, мотивацияланганилиги билан аниқланади. Ҳозирги даврда назария ва амалиётда урғу кўпроқ икки ресурс аҳамиятига қаратилмоқда: молиявий ресурслар ва тадбиркорлик қобилияти. Тадбиркорлик даромадини кўпайтириш ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни таъминлайди.

Ушбу функция зиддиятли ва икки ёқлама характерга эга. Зиддиятлиликнинг моҳияти шундаки тадбиркор ресурс эгаси сифатида улардан рационал фойдаланишдан манфаатдордир, шу вақтнинг ўзида жамоа ресурсларидан (хусусан, табиий) самарасиз фойдаланиши мумкин, бу борада жаҳон амалиётида кўпгина мисоллар мавжуд.

Шу сабабдан давлатнинг тартибга солиш роли муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради, ҳамда тадбиркорнинг ресурс функциясини нотўғри амалга оширганилиги учун жавобгарлик шаклларини белгилайди.

4. Ташкилотчилик функцияси, тадбиркор томонидан ўз ишини ташкиллаштириш бўйича мустақил қарор қабул қилишида, фаолият стратегиясини шакллантиришда, бошқарув услубини танлашда намоён бўлади. Бу функция охир натижада товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ошишига, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошишига сабабчи бўлади. Шундай қилиб, тадбиркорлик даромадини олишга қаратилган бу функция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқарish омилларини самарали бирлашишини амалга оширади. Тадбиркор ўз қобилиятидан фойдаланиб ишлаб чиқариш омилларини шундай бирлашиши ва комбинациясини таъминлайди, бунда юқори даромад олиш мақсадига эришилади.

5. Тадбиркорлик даромадининг ижтимоий функцияси, даромад олишни максималлаштиришга қаратилган жамиятдаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлашда намоён бўлади. Бу функция янги ижтимоий қатламни (уддабу-

рон, мустақил ҳўжалик-иқтисодий фаолиятни хоҳловчи, таваккалчиликка қодир, ташқи муҳит қаршилигини енгид ўта оладиган, қўйилган мақсадларга эриша оладиган одамлар) шакллашида намоён бўлади.

Тадбиркорлик даромадининг ижтимоий функцияси ишсизликни қисқариши, ёлланма ишчиларни иш ўринлари сонини кўпайишида намоён бўлади, бу эса ўз навбатида иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тадбиркорлик фирмалари фаолиятининг барқарор ва самаралилиги, тадбиркорлиги даромадининг юқорилигига боғлиқдир.

Демократик давлатларда тадбиркорлик даромади доимо жамиятнинг ажралмас элементи ҳисобланиб келган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи кўпгина мамлакатларда асосий қонун (Конституция) билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади,”¹ - деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида қуйидаги фикр билдирилган – фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир².

Тадбиркорлик даромадининг асосий белгиларига қуйидагилар киради: тадбиркорлик даромади келиб чиқадиган фаолиятнинг мустақиллиги; уни олиш билан боғлиқ таваккалчиликнинг мавжудлиги; унинг келиб тушишини мунтазамлиги; мол-мулқдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишдан тушумларнинг келиб тушишнинг асослилиги; манбаларнинг легаллиги, яъни қонунчиликда белгиланган тартибда юридик рўйхатдан ўтказиш.

Тадбиркорлик даромади белгиларини юридик жиҳатдан белгилаб қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, ҳозирги вақтга қадар у ёки бу тур-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й., 53-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-1-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартаидан кучга киритилган. 24-модда

даги тушумларни тадбиркорлик даромади эканлигини, яъни тадбиркорлик фаолияти натижаси ёки йўқлигини аниқловчи сон ёки сифат мезони мавжуд эмас. Натижада амалиётда кўпинча баҳс ва мунозаралар вужудга келади. У ёки бу хўжалик фаолиятини мунтазамлиги даражасини аниқлаш жараёни энг муаммоли ҳисобланади.

Тадбиркорлик даромади турларини таснифлашга келганда, у асосан назарий жиҳатга эга эканлигини қайд этиш зарур. Ундан ташқари, илмий адабиётларда ушбу масала бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Асосий баҳс тадбиркорлик даромади амал қилаётган жараёнда олинадиган пировард маҳсулотнинг моддийлашганлиги даражасидан келиб чиқади. Баъзи муаллифлар пировард маҳсулот сифатида фақатгина моддий предметларни (стол, мебель, маший техника ва бошқ.) назарда тутишса, бошқалари эса пировард маҳсулот ёки даромад сифатида олинаётган хизматларни ҳам, шу жумладан, таълим, медицина, консалтинг хизматлари ва бошқаларни ҳам назарда тутишади.

Тадбиркорлик даромади турлари муаммонинг юридик томони унинг баъзи турларини давлат томонидан тартибга солиш заруратидан келиб чиқади. Қонунчилик белгилаганки, легал фаолият натижасида тадбиркорлик даромадининг ҳар қандай турини олиш мумкин, аммо қонунчилик билан белгиланган тадбиркорликнинг баъзи турлари билан юридик шахс маҳсус рухсат (лицензия) асосида фаолият юритиши мумкин. Лицензиялар талаб этиладиган фаолият турлари рўйхати «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун, ҳамда тадбиркорлик даромадининг алоҳида турларини тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилангандир.

Фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган тадбиркорлик даромадини амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий шаклларини турли-туманилигига қарамасдан Ўзбекистон Республикасида унинг қуидаги турлари кенг тарқалгандир: маъсулияти чекланган жамият, ёпиқ акционерлик жамияти, очиқ акционерлик жамияти, юридик шахс ташкил этмасдан индивидуал тадбиркорлик, ишлаб чиқариш кооперативи ва деҳқон (фермер) хўжалиги. Бошқа ташкилий-хуқуқий шаклларга келганда улар амалиётда жуда кам учрашини айтиб ўтиш зарур.

Хулосалар.

Тадбиркорлик даромади турлари бўйича амалга оширилаётган таснифлашнинг асосий мезони сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибини (ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол) ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз. Шу сабабдан, тадбиркорлик даромади ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий фаолият, хизматлар кўрсатиш, илмий тадқиқотлар, ноширчилик фаолияти, патентлаш, консалтинг фаолияти ва бошқалар натижаси бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик даромадининг иқтисодий моҳияти тадбиркорларнинг асосий ишлаб чиқариш омиллари бўйича хўжалик юритиш монополияси сифатида намоён бўлади, унинг доирасида дастлаб авансланган капиталнинг фойдаланиш қиймати қўлланилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва капиталнинг пайдо бўлиши жараёнида тадбиркорлик фаолияти алоҳида фаолият ва ишлаб чиқариш омили сифатида намоён бўлиши тадбиркорлик даромадининг муҳим иқтисодий шарт эканлигини кўрсатади. Тадбиркорлик даромадининг унинг меҳнатига асосланганлиги ушбу иқтисодий категория ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши натижаси сифатида қаралиши лозим. Бунда тадбиркорнинг меҳнат фаолияти ва ёлланма раҳбар ва ишчиларнинг меҳнати фарқланади.

Тадбиркор томонидан яратилган янги қиймат - тадбиркорлик даромади миқдоридан ошиб кетиши ва унинг миқдори рақобат асосида бошқарув самараси натижасида шаклланганлиги, у жалб қилаолган капитал, банк фоизлар ўртасидаги ва ер ижараси хусусиятлари билан асосланиши мумкин, ва ҳар бир тадбиркорнинг ўзига хос уддабуронлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланишида тадбиркорлик даромадининг чекланишининг асосий сабаби - ишлаб чиқариш жараёнининг барча омилларининг ўзаро таъсири учун муов занатсиз шароитлар, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги етарли даражада самарали муносабатлар ривожланмаганлиги, ва қонунчилик ҳар доим ҳам самарали бажарилмаслиги деб баҳоласа бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Комарова Оксана Викторовна. Проблемы определения сущности «Предпринимательского дохода» как экономической категории // Universum: экономика и юриспруденция. 2015. №7 (18). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-opredeleniya-suschnosti-predprinimatelskogo-dohoda-kak-ekonomiceskoy-kategorii> (дата обращения: 29.12.2022).
2. Мельников О.Н., Абрамов Е.Г. Предпринимательский доход как функция формирования и использования нематериальных активов организации // Вестник БГТУ имени В.Г. Шухова. 2007. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/predprinimatelskiy-dohod-kak-funktsiya-formirovaniya-i-ispolzovaniya-nematerialnyh-aktivov-organizatsii> (дата обращения: 29.12.2022).
3. Половинкин П., Лезина М. Предпринимательство как стратегический ресурс: экономическая сущность, процессы хозяйствования. МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2012; 3 (3(11)):96-101.
4. van Praag, C.M., Versloot, P.H. What is the value of entrepreneurship? A review of recent research. Small Bus Econ 29, 351–382 (2007). <https://doi.org/10.1007/s11187-007-9074-x>
5. Сатыбалдин А.А., Кангалакова Д.М. Влияние пандемии COVID19 на развитие малого и среднего бизнеса в Казахстане // Экономика и финансы (Узбекистан), №11, 2021, С.25-30.
6. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: Абулкосимов Х.П., Бегжанов Э.О., Богомазова И.В., Бондарева Я.Ю., Вдовиченко Л.Ю., Владыка М.В., Волосюк М.В., Гумилевский А.Б., Ефимова А.В., Жанназарова Г.К., Ильина Т.Г., Каз Е.М., Каз М.С., Кашпур В.В., Климова Т.Б., Куклина Т.В., Кулик А.М., Монакова Е.А., Маковеева В.В., Макушина А.Ю. и др.– Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.
7. Қосимова Д.С., Адашев А.Ў. Кичик бизнес субъектларини бошқариш тамоиллари ва уларнинг бошқарувдаги аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан), №3, 2022, С.3-7.
8. Рудакова, О. В. Предприниматели: критерии принадлежности и механизм формирования доходов / О. В. Рудакова, Н. Г. Федорчук // Вестник ОрелГИЭТ. – 2011. – № 2(16). – С. 115-121. – EDN OJTZFR.
9. Абрамов Е.Г. Предпринимательский доход как функция экономически обоснованного процесса формирования и использования нематериальных активов организации // Российское предпринимательство. – 2006. – Том 7. – № 1. – С. 13-17.
10. Antonio Lecuna (2019): Income inequality and entrepreneurship, Economic Research-Ekonomska Istraživanja, DOI: 10.1080/1331677X.2019.1663545
11. Хайдаров М.Т., Муминов Н.Г. Тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва вазифалари. "Иқтисод ва молия" 2022 № 10
12. Block, J. Corporate income taxes and entrepreneurship. IZA World of Labor 2021: 257 doi: 10.15185/izawol.257.v2
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й., 53-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-1-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартадан кучга кири tilgan. 24-модда